

УЙҒУР ТИЛИДА “ЧОЙ” КОНЦЕПТИ

Фарход Гисаров

Тошкент давлат Шарқшуносик университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада уйғур тилида қадимдан қўлланиб келаётган халқ тилида, бадиий ва ёзма адабиётда кенг ишлатиладиган чой тил бирлиги, бу бирликнинг Концептуал жиҳатлари хусусида атрофлича маълумот берилди.

Калим сўзлар: Чайи, Чайи Хитайи, Чайи сабзий, Самиллио Синенсис, Грeen tea, Концепт, шифобахилик хусусияти.

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлена подробная информация об уйгурском языке, языковой единице, широко используемой в народном языке, искусстве и письменной литературе, а также о концептуальных аспектах этой единицы.

Ключевые слова: Чай, Китайский чай, Морковный чай, Самиллио Синенсис, Зеленый чай, Концепция, целебные свойства.

ABSTRACT

This article provides detailed information about the Uighur language, a linguistic unit widely used in the folk language, art and written literature, as well as the conceptual aspects of this unit.

Key words: Tea, Chinese tea, Carrot tea, Samillio Sinensis, Green tea, Concept, healing properties.

КИРИШ

Ҳозирги Шинжонг Автоном Округи Хитой Халқ Республикаси таркибига кирувчи уйғур тилида сўзлашувчи уйғур халқининг ватани ҳисобланади. Уйғур халқи қадимги Турпон водийси ҳудудида жойлашган Шарқий Туркистон деб аталган Республика аҳолиси бўлишган. Уйғур тилида мавжуд бўлган чой концепти бу халқнинг аجدодларидан сақланиб авлоддан авлодларга ўтиб келаётган анъаналарининг инъикосидир. Чой концептида уйғур халқи тафаккури ва тамаддуни маҳсулларининг дискрет мажмуаси намоён бўлади. Шунга асосан чой концептида уйғур халқининг борлиқ ва жамият хусусидаги объектив ҳамда субъектив билимлари хазинаси сақланиб келади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Анъанавий тилшуносликка хос бўлган тасаввурларда лингвистика ва семиотиканинг ўзаро боғлиқлиги тўлиқ очиб берилмас еди. Замонавий тилшуносликда янги ёъналиш бўлиб юзага чиқаётган “Ўрта даража теорияси”

лингвистика ва семиотика ўртасидаги мазкур узилишни бартараф етиш баробари Антропотсентрик парадигма доирасида семиотика, сотсиомаданий ва когнитив жиҳатларни синтезлайди.

Попова З.Д. нинг фикрича когнитив лексикологиянинг асосини концепт, концептлашув, даражаланиш, концепт майдони ва дунё харитаси каби категориялар ташкил этади. Концептлар кишилиқ жамиятида инсонларнинг дунёда теваарак атрофдаги содир бўлаётган воқеа ҳодисаларни, мавжуд нарса ва объектларни номлашда кўп асрлар мобайнида онгли равишда олиб борадиган фаолиятининг маҳсули ҳисобланади. Шунинг учун контсеплар инсоннинг дунёни англаш фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Инсоннинг борлиқ тўғрисидаги билимлари концептлар тизимида акс этади ва мужассамлашади. Концептлар тизимида жамланган маълумотлар онгда у ёки бу халқнинг дунё харитаси тоғрисидаги билимларини ифодаловчи тил бирликлари бўлиб хизмат қилади. Тилшуносликни тизимли ўрганиш илмий изланишларига

Концепт тушунчасини Лихатчѐв Д.С. томонидан олиб кирилган. Концепт атамаси замонавий лингвистикада тушунчанинг моҳиятини ифода етувчи бирлик сифатида тушунилади.

Халқнинг миллий-маданий ментал бойликлари концептларда акс этади. Концепт тушунчасига шу жиҳатдан ёндошилганда унинг тил билан узвий алоқада еканлиги яққол кўзга ташланади. Зеро, ижтимоий ментал бойлиқлар жамият аъзоларининг ўзаро мулоқотлари саҳнида тийранлашиб тўпланади.

Шарқ халқларининг қон-қонига сингиб кетган меҳмондўстлик одатлари ўз тараққиёти мобайнида коплаб ижобий кўринишларни касб етган. “Бир майизни қирқ бўлиб еган” халқимиз асрлар давомида бахиллик, қизганчилик, тор феъллик каби салбий иллатлардан баланд туриб келади. Меҳмондўстлик, очик чехралик, хушфеъллик, ширинсўзлик азал азалдан бизнинг аждодлармиз муомала одобининг беагаи бўлиб келган.

Халқларимиз кундалиқ турмушининг ажралмас бўлагига айланиб кетган “бир паёла чой” удумимизнинг марказий тамал тоши чой ичимлигидан иборат. Чой Концепти айнан шу биргина лексик бирликда жамланган бутун бошли тушунчалар тизимини ифода этади.

Уйғур тилида мавжуд бўлган чой концепти бу халқнинг аждодларидан сақланиб авлоддан авлодларга ўтиб келаётган анъаналарининг инъикосидир. Чой Концептида уйғур халқи тафаккури ва тамаддуни маҳсулларининг дискрет мажмуаси намоён бўлади. Шунга асосан чой концептида уйғур халқининг борлиқ ва жамият хусусидаги объектив ҳамда субъектив билимлари хазинаси сақланиб келади.

Чой ўсимлиги ўзининг таркибий тузилишидаги моддаларнинг инсон саломатлиги учун фойдалилиги билан машур бўлгач, даставвал у жамиятдаги ҳукмрон табақаларнинг дастурхонидагина бўлган камёб ичимлик бўлган бўлса, кейинчалик савдо-сотик, тижорат фаолияти ривожланиши натижасида кенг омма дастурхонига ҳам етиб келган.

Чой ўсимлиги ҳақида, унинг тайёрланиш усуллари тўғрисида кўплаб рисолалар, бадий асарлар яратилган.

Чой концепти хусусийлик даражасидан умуммиллийлик мақомига кўтарилаган нон, сув, ҳаво, ҳаёт, турмуш, рўзғор каби тил бирликларидан бири саналади.

Бу концепт лексик жиҳатдан тилдаги бир бўгинли birlikбўлишига қарамай, кенг лисоний майдонни егаллай олди, инсон онгида комплекс фаолият турларини акс еттириш, дунёдаги тансаломатлик ҳисси орқали сахийлик, дўстлик, олийжаноблик, бағрикенглик, ҳамсухбатлилик, камтаринлик, хотиржамлик, ога-инилик каби хислатларнинг камолини намоён етувчи ижтимоий тушунчаларни ўз ичига қамраб олди. Чой сўзининг тўғридан тўғри, туб маъноси билан бир қаторда унда жамиятдаги анъанавий муносабатлар тўплами ҳам уйғунлашди. Бу жиҳатлари билан чой концепти мазкур лексик тушунчага Ю.С. Степанова ҳамда В.В. Колесовларнинг берган “тарихий ва етимологик компонентларнинг ифодачиси” деган аниқланмасига жавоб бўла олди.

Чой концепти мотивланган кўрсаткич еканлиги унинг тингловчи онгида давра йигинлари, зиёфатда иштирок етиш, меҳмонга таклиф етилиш, дўсту қариндошлар билан дийдорлашиш, дилдан суҳбатлашиб ўтириш каби миллий-ментал қатор сотсиал қадриятларни ёдга келтириш таъсирига егалигида кўринади. Ушбу қадриятларнинг асрлар мобайнида авлодлар тасаввурига сингиб келганлиги ва мазкур удумларнинг боғловчи элементи бўлган чой ичимлигининг номи универсал, миллий-маданий, ижтимоий, жамоат, индивидуал-шахсий характер касб етиади. Сабаби туркийзабон мусулмон халқларимизнинг тўй-маракаларининг бирортасини ҳам чойсиз тасаввур етиб бўлмайди.

“Уйғурлар — Марказий Осиёдаги қадимги туркийзабон халқларнинг бири ҳисобланади. Хитойнинг Шинжонг уйғур автаном районининг туб халқи. Шу билан бирга Қозоқистонда, Қирғизистонда, Ўзбекистонда ва Яқин Шарқ мамлакатларида яшашади. Умумий сони 8,5 миллион киши. (2001). Уйғурлар Марказий Осиёдаги қадимги туркийзабон халқларнинг бири ҳисобланади. Ҳозирги ХХР, Шинжон уйғур автаном районининг туб халқи. Тили — туркий

тилининг жанубий-шарқий ғурухига киради. 15 асрларда Жетисулга маълум миқдори кўчирилган уйғурларни таранчи (деҳқон)деб аташган.”
[хттпс://уз.википедиа.орғ/вики/Уйғурлар](https://uz.wikipedia.org/wiki/Уйғурлар).

Уйғур тилида 2012 йилда ХХР ШнжонгХалқ Сиххийя нашриётида чоп этилган ИИ қисмли “Уйғур табобати хом дорилари илми” энциклопедиясида чойнинг Чайи, Чайи Хитайи, Чайи сабзий номлари мавжудлиги келтирилади.

Чой ҳақида мазкур китобда яна қуйидаги маълумотлар келтирилган: Чой шу номдаги ўсимликнинг япроги бўлиб, хушбўй, кўк рангли ўткир таъмга ега.

Чиқиш ўрни: ХХРнинг Юннан, Жижиянг вилоятларида йитиштирилади. 9, 10 ойларда йигиб қуришиб ишлатилади.

Табиати: иккинчи даражада ҳўл-совуқ.

Хусусияти: Чанқокни босиш, ҳароратни пасайтириш, тинчлантириш, сийдик ҳайдаш, мия, юрак ва нервни қувватлантириш.

Кучли чарчоқ натижасида юзага келадиган чаанқокни, жигар ҳасталигини, мия, юрак, нерв ҳасталиқларини, ич қотиш, сийдик тутилиб қолиши каби касалликларни даволашда ишлатилади.

10 грамм кўк чой, 3 грамм лочиндонайи ҳиндий, 10 грамм бодом магизини меъёрдаги қайноқ сув билан дамлаб ичиб борилса, мия ва юрак фаолиятини яхшилайти, нервни тинчлантиради.

Кўк чой совуқ миждози ва кам қонли кишилар саломатлигига акс таъсир кўрсатиши аниқланган.

Халқ дастурхонида “Уйғурча чой” номли миллий ретсепт асосида тайёрланган чой асосий ўрин егаллайди.

Атканчай ёки Еткенчай (уғ. ئىت; چىي; چىي; ىت / еткенчай / etkanchay; kirg. atkanchay) — Уйғурларнинг миллий чойи бўлиб униг часуйма номи ҳам мавжуд, тибетликлар ҳам уни шундай аташади.

Бир пиёла “Уйғурча чой”нинг таркибий қисмларига қуйидагилар киради

- Сув— 100 ml
- Сут— 100 ml
- Қора чой— 5 g
- Сарёғ — 0,5 ch. l.
- Туз (таъбига кўра)
- Қора мурч (таъбига кўра)

Тайёрлаш вақти: 10 minut.

“Уйғурча чой”ни тайёрлаш ретсепти:

Тоза идишда сув қайнатилиб, қайнаб турган пайтида сув ва сутдан тенг миқдорда қуйилади, бир стакан суюқликка 5-6 грамм пресланган чой, ярим қошиқ сарёғва меъёрида туз ҳамда қора мурч солинади.

Бу чой беш - олти дақиқа қайнатилади ва аралаштириб турилади. Сўнгра пиёлаларга қуйилиб, сарёғни ҳар бир пиёладаги чойга қўшилади. УЙҒУРча чойни пишириқлар билан истеъмол қилишади.

Баъзилар бу чойни овқатдан олдин узатишади ундан кейин еса асосий таом тортилади.

МУҲОКАМА

Ўзбек ва уйғур халқлари ҳамда Марказий Осиё мусулмон халқларининг урф-одатлари деярли бир-бирига яқин саналади. Ўзбек урф-одатларимизга кўра меҳмон олдида нон билан бирга албатта чой келтирилади. Ўзбекистонда чой ичиш қачондан бошланганлиги ҳақида аниқ маълумотлар учрамаса-да, бироқ бу удумларнинг тарихи узунлигига шубҳа ёъқ.

Чойнинг организмни тетиклаштирувчи хусусияти унинг таркибидаги кофеин (4%) миқдорига боғлиқ. Ўзбекистоннинг иқлимий шароитларидан келиб чиқиб бизда асосан кўк чой ичилади.

Биргина никоҳ тўйини ташкил етиш билан боғлиқ тадбирлар мисолида инсонларнинг икки ёшнинг келажак турмуши масласида қатор маросимлар ўтказишини кўриш мумкин.

Нон синдириш маросими, кичик ва катта фотиҳа, тўй бериш ёки тўй юбориш, қиз базми, куёв навкар, никоҳ тўйи, келин салом, чарлар, қуад чақириқ ва ҳоказолар. Ўзбек ва уйғур халқларининг ана шу маросимлари бир пиёла чойсиз ўтмайди. Қадимдан шаклланиб, анъанавий тус олган бу удумларда халқларимизнинг тарихий-ижтимоий-социал-миллий маданиятлари тасаввур етилади. Чой Концепти айна шу ва шу каби лингвомаданий хислатларни тингловчи кўз олдида гавдалантиради. Чой концептининг мотивланганлиги биргина чой сўзининг онга етказилиши орқали тасаввурда чой билан боғлиқ қатор удум ва анъаналар силсиласи пайдо бўлишида акс етади.

НАТИЖА

Чой концепти лексик бирлик сифатида киши онгида:

- 1) Чой ўсимлигининг физиологик жиҳатдан инсон саломатлиги учн фойдали эканлигини;
- 2) Чойнинг тарихан миллий анъанавий ичимлик сифатида истеъмол қилиб келинганлигини;

3) Чой ичиш маросими оддий физиологик одат емас, балки аждодларнинг меҳмондўстлик, очикюзлилик, хушфеъллик, яхши мезбонлик, карамлилик каби удмлар егаси бўлганлигини;

4) “Бир пиёла чой ибораси”да халқнинг маслаҳат, машварат, суҳбат, кенгашиб олиш каби миллий-маданий тамойиллари акс етишини;

5) Чой узатишнинг оилавий тарбия, катталарга икром, кичикларга иззат, жамоатга ҳурмат, шахсий камтарлик ва одоб каби хислатларнинг рамзи эканлиги каби қатор объектив ва субъектив омилларни шакллантиради.

ХУЛОСА

Тил инсониятга берилган улуғ неъматлардан енг ноёби саналади. Инсоният асрлар давомида жамлаган билимлари униф она тилида генофонд мероси бўлиб сақланади. Инсон болалигидан бошлаб борлиқ тўғрисида вербал ёки новербал тўплаб орттирган билимлари Концептлар хазинасига жамланади. Инсонларнинг борлиқ ҳақидаги стихияли ва онгли равишда вербал (огзаки, ёзма) ёки паралингвистик (имо-ишоралар, ифода ҳаракатлари) орқали тўплаган билимлари концептлар “семантис сизими” га

Ҳар бир концепт киши онгига ўзининг эмотсионал-мотивацияли таъсири билан киради ва хотирада тил тизимининг инъикосини мустаҳкамлайди.

Профессор Ў.Қ. Юсуповнинг таъбири билан айтганда, концепт онгдаги “билимлар мажмуаси”ни ташкил этилади ва авлодлардан-авлодларга етказишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)

1. “Уйғур табобати хом дорилари илми” ХХР Шинжонг Халқ Сиххийя нашриёти. 2012.
2. Попова З.Д.Стернин И.А. Очерки по когнитивной лингвистики. Воронеж, 2001.191-бет.
3. Лихатчѳв Д.С. Концептосфера русского языка /Д.С. Лихатчѳв //Русская словесность: антология / под ред. В.Н. Нерознака. -М.1997-28-37 бетлар.
4. Шайхисломов Н.З. Когнитив тилшунослик тўғрисида тушунча ва унинг универсал табиати «ССИЕНТИФИС ПРОГРЕСС» Ссиентифис Жоурнал ИССН: 2181-1601 // Волуме: 1, ИССУЕ: 5
5. Ҳошимов Ғ.М. К теорії концептов і їх таксонімії в когнітивній лінгвістическій. Журнал Системструктур тилшунослик муаммолари. Самарқанд . 2010.